

**«JAHON SAVDO KOMPLEKSI» AJ
акциядорларининг
21.08.2021 йилдаги навбатдаги
умумий йигилишида**

ТАСДИҚЛАНГАН

**Кузатув кенгаши раиси
А.Имамов**

**«JAHON SAVDO KOMPLEKSI» АЈНИНГ
Кузатув кенгаши ва бошқарув хайъати
аъзоларини мукофотлаш тартиби
тўғрисидаги**

НИЗОМ

**«JAHON SAVDO KOMPLEKSI» AJamiatining
Кузатув кенгаши ва бошқарув хайъати аъзоларини рағбарлантириш
тартиби тўғрисида**

Н И З О М

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003 йилдаги ПФ-3202-сонли фармони, акциядорлик жамиятининг Устави хамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан 16.06.2003 йилда тасдиқланган «Акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашининг раислари, ижро этувчи бошқарув органи раҳбарларини моддий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича методик қўлланмалар»ига асосан «JAHON SAVDO KOMPLEKSI» AJ нинг кузатув кенгаши ва унга бўйсинувчи тузилмалар (ички аудит, корпоратив маслахатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахасис) хамда ижро этувчи орган – бошқарув хайъатини акциядорлик жамиятнинг молиявий-иктисодий қўрсаткичларини юқори даражага олиб келиш, тасдиқланган бизнес-режани ортиғи билан бажарища моддий манфаатдорликка қизиқтириш мақсадида қўлланилади.

1.Умумий тартиб

1.1. Мазкур Низом ўз вазифаларини бажариб турган даврда акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ва унга бўйсинувчи тузилмалар (ички аудит, корпоратив маслахатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахасис) хамда ижро этувчи орган – бошқарув хайъатини акциядорлик жамиятнинг молиявий-иктисодий қўрсаткичларини юқори даражага олиб келиш, тасдиқланган бизнес-режани ортиғи билан бажарища моддий манфаатдорликка қизиқтириш мақсадида қўлланилади.

1.2. Бошқарув хайъатининг ойлик иш хақлари қонунда белгилаб қўйилган мейёрлар ва (ёки) кузатув кенгаши билан тузилган шартнома асосида амалага оширилади.

1.3. Ушбу Низом асосида акциядорлик жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари ва унга бўйсинувчи тузилмалар (ички аудит, корпоратив маслахатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахасис) хамда ижро этувчи орган – бошқарув хайъати аъзолари йил якуни бўйича олинган соф фойда ҳисобидан умумий йиғилиш қарорига асосан мукофотланадилар.

1.4. Мукофотлаш пул шаклида амалга оширилади.

1.5. Кузатув кенгаши ва унга бўйсинувчи тузилмалар (ички аудит, корпоратив маслахатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахасис) ва ижро этувчи орган – бошқарув хайъати аъзолари йил якуни бўйича олинган соф фойда ҳисобидан умумий йиғилиш қарорига асосан мукофотланадилар.

1.6. Кузатув кенгаши аъзолари йил давомида ўтказилган йиғилишларда қатнашилари ва ўзларига бириттирилган вазифаларни тўлиқ бажаришлари шарт. Мазкур низомга асосан кузатув кенгаши сайланган (тайинланган) давридан ваколатлари тугагунгача бўлган даврларда ўз фаолиятини фаол бажаргани, жамият фаолиятини ҳар чорак ва йил якуни бўйича ўтказиладиган йиғилишларида тўлиқ қатнашгани ва зиммасига юклangan вазифаларни мунтазам бажариб келгани учун мукофотланадилар. Бунда узрсиз сабаблар билан йиғилишларда қатнашмаган, тасдиқланган иш режага мувофиқ ўзига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажармаган аъзоларга Кузатув кенгаши йиғилишининг қарорига асосан мукофот қисман тўланиши ёки мукофот умуман берилмаслиги мумкин.

2. Мукофотлаш тартиби ва миқдори

2.1. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 81-моддасига асосан Кузатув кенгашининг раиси, аъзолари, Жамият тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган даврда уларни тақдирлаш мақсадида акциядорлик жамиятнинг меҳнатга хақ тўлаш фондидан ҳар ойда, чоракда ва йил яқунлари бўйича тақдирлов тўловлари амалга оширилиши мумкин:

1. Ойлик тўловлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган минимал иш хақининг:

- Жамият Кузатув кенгаши раисига 2 (икки) баробардан 5 (беш) баробаригача бўлган миқдорида,
- Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига 1,5 (бир ярим) баробардан 4 (турт) баробаригача бўлган миқдорида тўланади.

2. Акциядорлик жамияти томонидан жорий чорак учун тасдиқланган бизнес-режа бажарилган холларда, Кузатув кенгашининг чорак яқунлари бўйича ўтказилган йиғилиши қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши ва унга бўйсинувчи тузилмалар (ички аудит, корпоратив маслахатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахасис) ўзлари оладиган ойлик мукофот (иш хаки) пулларининг 1 баробаридан 5 баробаригача, Бошқарув хайъати аъзолари ўзлари оладиган ўртacha иш хаққининг 1 баробаридан 2 баробаригача миқдорда бир маротабалик мукофот берилиши мумкин.

3. Акциядорларнинг йил якуни бўйича ёки навбатдан ташқари ўказиладиган умумий йиғилиши қарорига асосан жамият Кузатув кенгашига ва унга бўйсинувчи тузилмалар (ички аудит, корпоратив маслахатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахасис) олинган соф фойданинг 10 фоизигача бўлган миқдорда, Бошқарув хайъатига йил якуни бўйича олган соф фойданинг 5 фоизигача бўлган миқдорда бир марталик мукофот пули берилиши мумкин.

2.2. Тўловлар ҳар йили Бизнес-режа билан тасдиқланадиган харажатлар сметасига киритилади.

2.3. Йил якуни бўйича мукофотлаш акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилгандан сўнг 1 ой муддат ичida амалга оширилади.

2.4. Чорак бўйича соф фойда олиш режаси бажарилганилигига жамият хисоб бўлимининг хисоботи асос бўлиб ҳисобланади.

2.5. Кузатув кенгаши ва унга бўйсинувчи тузилмалар (ички аудит, корпоратив маслахатчи, қимматли қоғозлар бўйича мутахасис)га ажратилган йиллик, чораклик мукофот пуллари кузатув кенгаши раиси томонидан тақсимот қилинади ва тасдиқланади.

2.6. Бошқарув хайъати аъзоларига тегишли йиллик, чораклик мукофот пуллари жамият бошқарув раиси томонидан тақсимот қилинади ва тасдиқланади

3. Низомни амалда қўлланилиши

3.1. Мазкур мукофотлаш тартиби жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб хуқуқий кучга киради.

3.2. Низомга ўзгартиришлар киритиш ёки ундан фойдаланишни тўхтатиш акциядорларнинг умумий йиғилиш қарори билан амалга оширилади.